

Боку шаҳрида дин етакчиларининг халқаро саммити бошланиш арафасида



14:20 / 14.11.2019 1292

Бугун 14 ноябрь куни Боку шаҳрида Иккинчи Боку дунё диний етакчиларининг саммити бошланади. Бу ҳақда Ўзбекистон мусулмонлари идораси матбуот хизмати хабар беради.

Ушбу халқаро тадбирга дунёнинг 60 дан зиёд мамлакатларидан меҳмонлар ташриф буюрган. Жумладан, 350 нафардан ортиқ таниқли уламолар, машҳур муфтийлар, профессор-олимлар, етук экспертлар, давлат ва дин арбоблари ҳамда турли конфессия етакчилари иштирок этади.

Шунингдек, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов ҳам иштирок этмоқда.





Islom.uz портали таҳририяти